

84
Б 88

Шарофат Ботирова

ЮРАКЎЛТИ КЎЗ



ШАРОФАТ БОТИРОВА

ЮРАКДАГИ КЎЗ

Шеърлар

1197

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIROCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIROCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
TOSHKENT

«Езуучи» нашриёти

«Кутатуге оини — ёлгизлик фасли,
Соҳларингнинг оқи қадар ҳақ.»

Қалб тубидаги армоннинг маънос кўзлари... Шу кўзларга олов
дек урилиб куйиридаган, юратингизни кесиб юборалган мисра-
лар. Шундай эмасми? Энди шу туйғу билан кириб бораверинг Кўн-
тига. Аёл руҳиятига. Дунё аждоғлари чида Ҳақ сўз ва муҳаббат-
ни кўтариб яшаётган аёлга ишонинг.

Зеро танқити шонра Шарофат Ботированинг маъкур шеърин
тўлаи Сизнинг ишонч ва муҳаббатингизга лойиқ деб умид қи-
ламиз.

Б 4702620202—32 — қатъий буюртма — 1998
М 362 (04)—98

ISBN 5—8255—0565—2

© Шарофат Ботирова,
«Ёзувчи» нашриёти, 1998 йил.

БАҒИШЛОВ

Содик дўстдай истак айтдингиз,
Ижобатга айланди тилан.
Меҳримизни боз ийдирдингиз,
Яна шеърга бойланди юрак.

Муштар эдик шундай бир дамга,
Чарос нурга зор эди кўзлар.
Учратил деб содик ҳамдамга,
Юрган эдик Олмоҳта бўзлаб.

Шукр, сизни этибди насиб,
Босилгандай бўлди хуморлар.
Тақдир этмиш бизни муносиб,
Соғинчингиз — қўлда туморлар.

Ул туморнинг седанасидан
Анқиб турсин сеҳр тўла сас.
Шеър битганда ҳар донаситга,
Нитоҳингиз сезиб турсам бас.

ТИЛ УРГАНАЕТГАН ШОГИРДЛАРИМГА

Сиз жаҳонга чиқмоқ бўлсангиз,
Энг аввало, Ватандан сўзланг.
Ортада кутар отам-онам деб,
Эртанингиз, дилбанддан сўзланг.
Саволлар-да этсалар тавқини,
Утминингиз-исёндан сўзланг.
Қасру амал вафо этмаган
Подшоҳлардан, султондан сўзланг.
Ўз юртига боши сиймаган
Бобур деган армондан сўзланг.
Матаданда қонлар туپтуриб,
Ғариб ўтган ўсмондан сўзланг.
Чинорларим қулаб кетди деб,
Қуйган ашқу тирёндан сўзланг.
Субҳидамда барҳақ кўёшдай,
Юз кўрсатган оқ тонгдан сўзланг.
Ҳозирингиз — Мустақил юртдан —
Райҳон исми даврондан сўзланг!
Ҳар нафаста жонни сингдириб,
Ўзбекистон — жонондан сўзланг!
Кам бўлмайсиз икки дунёда.
Истанг, ўн хил забонда сўзланг.
Дек ягона Она сиймоси,
Елғиз ёрдан — Ватандан сўзланг.
Сўзлайверинг ҳеч бир тортинмай,
Буюк қудрат имондан сўзланг.
Ҳеч бўлмаса «бисмиллоҳ» дея,
Дилоҳ сўзи — Қуръондан сўзланг!
Она тилни сиз кўприк айлаб,
Ўзбек берган туз-нондан сўзланг.
Қорачуққа жойланган дунё —
Чин саждагоҳ — Турондан сўзланг!

АМИРИМ, МЕН СИЗНИ РАҲНАМО БИЛДИМ

Сароймулк хонининг садоқати — дарс,
Амирим, бул ҳақда айтмоғимиз қарз.
Ҳар аёл қисмати вафолукка фарз,
Уларнинг ҳаққига дуолар қилдим.

Кўз ёш-да эсласам Момомни буюкчи,
Тилимга тушади чил чалкаш туғчи,
Менинг-да кунларим дилафкор, нигун,
Мардона руҳларин дуолар қилдим.

Самарқанд аслида файзли бир дунё,
Ўзиниш билмаган ўзанили дарё.
Ундаги салтанат орзули рўё,
Кишвари Ҳоконни дуолар қилдим.

Сиз Вафо номига ҳайкал қурдингиз,
Мангулик кўшиғин Ҳайрат билдингиз.
Муҳаббат сўзида қудрат кўрдингиз,
Мен Сиздай султонни дуолар қилдим.

Сиз минган саманлар кишнашар қайда?
Боролмам ул томон йўлим тош майда.
Юрагим суварти ўйилган найда,
Рухи покнингизга дуолар қилдим.

Сароймулк хонимдай жоним озурда,
Сигиниб яшадим пинҳон орзумда.
Сизнинг олдингизда ўзмас қарзимдай,
Рухи покнингизга дуолар қилдим.

Сиз Бибиҳонимга қурган минора
Енига чорлайди мени кун ора.
Биби сочларидай туғим тил қора,
Содик моҳингизни дуолар қилдим.

...Амирим, мен Сизни раҳнамо билдим.

ЧУЛПОННОМА

Муҳаббатнинг осмони, сизда бўлмоқ истадим,
Васингизга етай деб чайир отим қистадим.
Фарҳоднинг жасоратин Ширин каби қўмсадим,
Ағер, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

Муҳаббатнинг осмони, турналар учар қайда?
Сочинч ёшларин йиққан руҳ йўллари тош майда
Қизғалдоқнинг оқ қони кўпира қизил сойда...
Ағер, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

АРМОН

Дарвоқе, ул қизғалдоқ баҳорий уч кунимдир,
Тўмарисдан қарз олган оғзи очик хумимдир.
Чолғуларин йиғлатган «Чўли проқ» унимдир,
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!
Бир томчидай парланиб учай сизнинг ёқларга,
Шаббодалар, хокимни сингдиригиз гиёҳларга.
Тақдир йўли, васлимни жуфт айлантиз тоқларга,
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!
Кўнглимнинг бир четда ой йиғлаб қилар ғурбат,
Мен тилатган маҳбуб, вой, шудрингдан тилар қувват,
Чўлпон каби унмадим, кўрмадим ҳеч муруват,
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!
Муҳаббатнинг осмони юлдузларга қабрдин,
Ушал ердан мента ҳар бир қарич ер зарурдин.
Абру найсон ашқимдан униб чиққан сабрдин,
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

* * *

Энди гуллар гулламайди Сеннинг боғингда,
Уни армон қайчилари қирқиб отдилар.
Хазон этмиш айни тулга кирган чоғида,
Юлдузларим ой кўксига йиғлаб ботдилар.

Мен кирмаган боғ гулламас, яшнамас энди,
Кўёшта чап кўчалардан ўтарсан бедор.
Тушларинг ҳам алғов-далғов бўлгуси, чунки
Есуманнинг қизларига бўлурсан душвор.

Ул мен эдим баюлолардан асраган сени,
Ишқ майининг лаззатини англаган очун.
Хотирда тут, баҳри-байтда сийлаган номинг,
Алвон рангдан кулранг тусга кирган қувончинг.

Кутиб яша, кузда дарахт ипроқларига,
Битадирман Сента айтар ҳижрон кўшиғин.
Хат битарман Сирдарёнинг тўлиқналарига,
Кўклам кўксин ёрар чақмоқ — менинг товлушим.

Биламан, мен ўлсам кўмолмас замин,
Баданим-аламдан қадокланган тош.
Димоғим эркалаб сармаст шамоллар,
Тоғ томон чорлагай вуждим — оташ.
Ўйларнинг каттаси залворди Олам,
Чинорлар бошига осур рўмолди.
Тунинг кўз ёшлари — минг турли гуллар,
Қаршигаб туришар маккор Ҳижронни.
Ҳаловат изладим топмадим абас,
Унмади олдинда кўринган қарвон.
Онамнинг хизматин қилолмай тўкис,
Талипиниб ўтганим — энг катта армон.
Мен тумор айладим «тавба» сўзини,
Гуноҳга ёр бўлди беш кунлик дунё.
Бавзан бошқаролмай ўзим-ўзимни,
Ғанимга ёшларим кўрсатдим, хато!
Хатолар, сиз энди ерга кўмилдинг,
Лек мени кўмолмас бу ёруғ тулпроқ,
Биродар, жисминини тоғларга элтинг,
Қорларнинг бағрида ўтайин уйғоқ!

* * *

Кутлуғ оним — Елғизлик фасли,
Соҳларингнинг оқи қадар ҳақ.
Ул отилган қалдирғоч саси,
Ул кўнглимда тўнглаган шафақ.

Елғизликнинг тахти тилодан,
Ўлтирибман мен унда ғолиб.
Нечун ҳар кеч дарчам чертасан?
Остонамда куйлайсан ёни!

Шаҳсуворим, сўйлагил ҳақни,
Мени тахта ўтказган кимдир?
Давронликка йўқ энди ҳақинг,
Гуноҳинг ҳам эҳтимом йўқдир.

Лекин энди ўзим малика,
Ёлғиз тахтнинг ёлғиз тождори,
Ёстимнинг ярмида армон,
Билмай яшар ҳатто ўз номин.

КЕЧИККАН ГУЛИМ

Султонлик истайди ўзича кўнгли,
Сулаймон тахтини кўзлайди кўнгли.
Ошфта онларни излайди кўнгли,
Кечиккан гулим-эй, кечиккан гулим.

Сумбула сувига юзини чайса,
Тутгани райхону босгани майса.
Истаги баётдай ўзини суйса,
Кечиккан гулим-эй, кечиккан гулим.

Баҳорга ўзича кўйлак бичади,
Осмондай ложувард ўйлар кучади.
Боладай «дув» этиб боққа кучади,
Кечиккан гулим-эй, кечиккан гулим.

Хурларнинг тўйига боргиси келар,
Армоннинг кўксини ёргиси келар.
Кўл етмас Ойни ҳам олгиси келар,
Кечиккан гулим-эй, кечиккан гулим.

Худодан тилади мени басир Ғам,
Яхши деб танлади, дард берган Этам,
Ғанимлар мен учун ичдилар қасам,
Тинчимас гулим-эй, тинчимас гулим.

Сағир Ишқ йиғлайди — дилпора назм,
Рухларга гул тутиб хушлай бир ўзим.
Дўст кўлим тутишга этмади жазм,
Кечиккан гулим-эй, кечиккан гулим.

Сулаймон тахтида девлар ухлайди,
Борақол, деворга жисминг миҳлайди.
Дунё-дун умрини обдон чархлайди,
Кечиккан гулим-эй, кечиккан гулим!..

АПИРМОҚ УЧУН

Мендан сени айирмоқ учун,
Самодан тушади бир тўда хурлар.
Ўзини меҳрибон кўрсатмоқ учун,
Кўлинга тутадн май, чинингуглар.

Май пчиб сен мени таҳқир этасан,
Хурларнинг кўнглини соҳир этасан.

Сенга мени ёмон кўрсатмоқ учун,
Жандаларга ўрар устн-бошимни.
Қанотимни қирқиб қайирмоқ учун,
Айқаштирар тўғри каломларимни.

Сен аспр тушасан устамонларга,
Пичоқни қайрайсан устихонларга.

Иккимиз айириб юбормоқ учун,
Ойнинг қилчида умрим чопарлар.
Мен чўкиб кетаман кўз ёш бағрига
Ғолиб хурлар сени ёлғиз топарлар.

Сен энди ўргимчак ҳукмида танҳо,
Мен-чи Рашк хунининг ҳукмида танҳо...

... ГА

Ховучимга дуо олганда
Тўкилади сўроқларим дув.
Сен Худога гуноҳкор банда,
Ўз қилмишинг ўзингга маълум.

Битта менинг кўз ёшим надир
Надир Сенга бўлганим илҳақ,
Якка Оллоҳ барига қодир
Якка унинг ҳукмида Борлиқ.

Карвонларнинг бонгида бир сас
Занжирларга қўшиқ улашар.
Тавба айла. Ҳаққа тўк кўз ёш,
Битта менинг ҳукмин не бўлар?

Ҳаққа йиғла, Ҳаққа ёккил бош..

Мен қоялар ичра одамман,
Сен — одамлар ичра қоссан.
Иккимизга ҳам қийин, охир,
Иккита тоғ учрашмас манту.

Мен — осмонда учган якка қуш,
Сен ҳам тоқ қуш чаман боғ аро
Иккимизга кўп қийин, ахир
Қовушолмас икки мағрур қуш.

Мен қаҳратон қишдаги тулман,
Дарёдирсан сен саҳродаги.
Жазирама елдан қурирман,
Тўхтамадги дарёсан сен ҳам.

Мен — шабнамман, излар тушмаган,
Сен — булутсан бағанд осмонда.
Иккимизга қанчалар қийин,
Ўтмоқдамиз ўқсиқ, армонда.

Дек ҳаётда имкон қидириб,
Йшайдирмиз сезиб, талипиниб,
Табиатнинг темир қонунин
Енгажакмиз бир кўни келиб.

Икки мағрур қоядирмиз биз.

ВАҚТ КҶКСИДАН

Қон оқади Вақтнинг кўксидан,
Сен келмадинг — вақт ҳам ўксиди.
Мени эса, яхши билурсан —
Дироқ мисли бирдан тўзидим.

Сен келмадинг. Дунё ўксиди.
Фарёд чиқар забун кўксидан.
Бул ҳолатни билмассан бағди,
Ҳатто қордан ёндим, қизидим.

Дил ранжиди, қаттиқ ўксидим,
Бир ўқ бордай гўё кўксимда.

Сен келмадинг голиб қуш мисол,
Ранг қолмади қонсиз тусимда.

Шамол увлар, гуллар кўсадди,
Қон оқади Вақтнинг кўксидан.
Энди Сени кутмай ҳам кўйдим,
Соғинч юрар менинг изимдан.

Илдоҳ, мени яхши билурсан...

БЕГИМ...

Нисмиз дард мени қийнайди, беғим,
Минг турли хаёллар қайрайди, беғим.
Йўлимда дарёлар йиғтайди, беғим,
Кетиб қолай десам тар Сиздан.

Кен, равон йўллар ҳам торайиб кетар,
Бул олам кўзимда сарғайиб кетар.
Ғарибтар кўнглим ҳам зардоблар ютар,
Кетай десам қарорингиздан.

Кетинш...

Қошқийди Қумушдай кетолсам манту,
Қошқийди Фироқдан қолсангиз гантиб.
Зайнабдай мардликни билмаган мардим,
Кетолмам уй деган мазорингиздан.

Қўлимни қўймайди остона-тумроҳ,
Дек эзиб ташлайди эил-замбонг интоҳ.
Томирда қон эмас, айланар интоҳ
Сарғайдим буюр деган бозорингиздан.

Ҳайронман, Шарофат, кимга қул тушинг?
Эртанг йўқдир сенинг! Улган кун ўчдинг!
Ғанининг минг битта, дўст деганинг ким?
Ким билар? Ким айтар озорингиздан?

...Айдоқсиз дард мени қийнайди, беғим!

АРАЗЛИ КҮНДА

Мен Сизга хотинмас, бир дўстман, холос,
Ва лек баюлардан асраб ўтарман.
Ўзга санамларга кўйингиз ихлос,
Ўл дамни кўрмай деб қонлар ютарман.

Сиз ундан менда кам меҳрни туюнг,
Энг яхши каломдан тизинг маржонлар.
Ҳавосин янгилаб «оҳ» тўла уйинг,
Ҳар оқшом сийласин Сизни май, жомлар.

Сиз уни ардоқлаб қалтис фанода,
Мени таҳқирлаган каломни айтманг.
Фарқлай олинг уни оддий аёлдан,
Бир мақтаб, сўнг яна орқага қайтманг.

Ярақтаб юрмдм Сизнинг давронда,
Ҳокисор юракни юрдингиз сотиб.
Сизни кўп сийладим бозор дунёда,
Саратон егидан қолдим совқотиб.

Музлатди бир умр юзга солишлар,
Рафиқа бўлмоқлик Сизга кўп қийин.
Боладек аёвсиз сизгаб солишлар,
Сарвадек бўйимни эгдилар тайин.

Ушбу тонт орани очиб қолдириб,
Мен Сизга дўст бўлиб яшарман энди.
Алвидо, деган сўз турар қалтираб,
Бекачлик тахтидан тушарман энди.

Тантинлик сийловдир. Керакмас кўз ёш,
Бири кам дунёнинг қизиман юшун.
Остона устида ўкирар Бардош,
Оғирлик қилмагай орттирган юким.

ИЛК КҮНЛАР

Ўзингта илк меҳрим тушган кунлари,
Бу дунё шунчалар поёнсиз эди.
Кувончим юлдузга сўйлаб тунлари,
Юлдузлар ишқимга соқчи кўз эди.

Ўзингта илк меҳрим тушган кунлари,
Бу дунё гўдаклик мусавфо эди.
Кулоғим тагидан кетмай куй нари
Толедан туғилган куй сафо эди.

Дунё кўп эди ранглар хилма-хил,
Атласранг ёғдулар ёнади кўзда.
Кўнглини қиздирган қизғин рангли гул
Биздек хушбахт эди, шод эди биздай.

Ўзингта илк меҳрим тушган кунлари,
Осмонда кўп эди юлдуз чароғон.
Соғинч-да ўтарди ҳар бир кунларим,
Ҳамма мента эди ўта меҳрибон.

Ўзингта илк меҳрим тушган кунлари,
Мен ҳаққимни олдим, ниқдан, ҳаётдан.
Сўнроқ дарё бўлиб оқди куйларим,
Аммо у илк кунлар чиқмагай ёддан.

ОСТОНА ОРТИДАГИ ИНТИҚЛИК

Сиз яшаб турган уйнинг остонаси кўп баланд,
Кўл етмас деразаси худ осмонга қараган.
Дераза ойналари ёмғирдан сўнг топ-тоза,
Унинг ортида ётган мактубларим дилзада.

Сиз яшаб турган уйнинг эшиклари нақшинкор,
Ўртадаги столда уч дона чиннинггул бор.
Ўлар менинг соғинчдан қизарган ёноқларим,
Қизарган кўзларимдир, қиздирган сўроқларим.

Ўл гулларга боқмоққа журъат даркордир, журъат,
Бир сўлим куй оғушида айланар эди хилқат.
Суккут сизни кемира, гўрур кўймас кўлнингиз,
Ўл баланд остонадан тополмайсиз йўлингиз.

Деразадан боқасиз сабр косангиз тўлар,
Уч дона ул чиннигул озор пойида ўлар.
Кўрғон бўлган дарвоза очилар қачон, қай кун?
Ўзинки қилиб олтай ҳайрат-ҳаяжон қай кун?

Қай кун тоғдай қўлайди асир этган остана?

* * *

Севмайман деб айтишим қийин,
Балки тирик ҳали бу туйғу.
Сизни алдаб нисам-да қасам,
Гуллаб турар боғлар бўлтурги.

Ул боғларда баҳорни кутиб,
Эккан эдик жамбил-райҳонлар,
Ҳатто келар Кўзни унутиб,
Кезар эдик дала-майдонлар.

Тинч кўймади ҳилолги тунда
Ғанимларим сотдилар арзон.
Йўрамадим иқболли кунда,
Худо бахтни бермаскан осон.

Дек барибир ёлгон фаслдан,
Умидларин юрибман тилаб.
Боғ кўкартган билар аслда,
Дарахт учун қанча кўр керак.

Бизда эса, ҳали нжкон мўл,
Момолардан сўрайлик кучини.
Йироғимиз тўкмасин қор-дўл,
Кўкартмайлик печакдай ўчини.

Ўлим келиб эшик қоққунча,
Яшаш керак қариб-қислаб.
Меҳр сақлаб бу жон чиққунча,
Ўтавергум Сизни авайлаб.

....Севмайман деб айтишим қийин.

* * *

Эсимда йигитлар тунда куйлашиб,
Деразам тагидан ўтарди бедор.
Исимини кўшиқча-куйча улашиб,
Хуштаклар чалишиб кўйрди бирор.

Мен эсам бепарво китоб титардим,
Аслини излардим тўё китобдан.
Ҳаётда ҳамма ҳам куйлайверар деб,
Сақлардим ўзини ҳар эътирофдан.

Шу куйда кўп туилар тонгга уланди,
Йигитлар ота бўб куюлиб қолди.
Мен ҳам оилага ишқ-да боғландим,
Ху, тунги хуштаклар қулоқда қолди...

* * *

Бир кун келиб айро тушса йўл,
Ҳаслимда тиригтай расминг,
Қуруқ қолса мен узатган кўл
Ўт-оговда ёнғайдир жисмим.

Бир кун келиб йўқотсанг мени,
Ҳаслингдан ўтган минг қизлар.
Бил, улардан кўп ортиқ эдим,
Қайноқ эди мандаги ҳислар.

Бир кун келиб тинса гар Кўшиқ,
Келмас бўлса, кўкдан садолар.
Демак, мени йўқотдинг, ошиқ,
Ғолиб чикди ўлим — савдоғар.

Бир кун гуллаб кетса чиннигул,
Майсаларнинг йиртилса лаби,
Ер остида, билки, тинчидим,
Инграб турган бўлоқ, бил, қалбим.

....Бир кун келиб айро тушса йўл.

КОЯДАГИ ГҮЛ

Мен қояга асир тушкан тул,
Қор-ёмғирни бошдан ўткирган.
Болам ҳам йўқ, ўзим ёлғиз тул,
Қўлдан денгиз-суявга тикилган.

Ул қоят қиқшдан олдин,
Ўз оигам бор эди менинг.
Бугун бахил кимсдан тондим,
Боласидан воз кечдим эрнинг.

Чидамокнинг чораси битди,
Ситамлардан чиқиб қолди дил.
Яшай олмам ўзини зўрлаб,
Мен қояда ёлғиз қолган гул.

Ундан энди тушмоғим гумон,
Бўрон-довул урса-да бошим,
Томиримда оқар кўкниш қон,
Хира тортиб турар қуёшим.

Термулганда кўзларим ёшли,
Анголмдан мени ҳеч бир жон.
Мен танлаган қоя бардошли,
Ўт қояга яқиндир осмон.

Сувяниңт қотган акси-юлдуздай,
Кент самота учиб кетурман.
Сирдоши йўқ ёлғиз бир қиздай
Йулга маънос боқиб ўтурман.

Мен қояда йнғлаётган қиз.

УЧРАШМАС СЪКМОКЪЛАР

Сен отлуксан,
мен-чи пида.
Етоглайман Сента эрта-кеч.
Сен тушовад,
мен-чи, эркин куш.
Кузюглайман юрагимни ҳеч,

Сен дарастсан шоҳлари бағанд,
 сотмайман шоҳларингга мен,
 Мен осмондан,
 қўқман бепоён
 ҳавода қўл — антикасан Сен.
 Сен дарасан,
 қирғоғи чаман.
 нетай, ундан торолмайман тул.
 Мен-чи тоғман —
 Лота рўмогли,
 Туттолмайсан рўмолим учин,
 Сен-чи якка,
 сўғим сўқмоқсан.
 Унда Висол нэн сўроқлар.
 Чалкаш содай
 йўлин тополмай,
 Тоқ ўтмоқда бизнинг сўқмоқлар

ХАВОТИРЛИК

Музликларни босиб ўтиб тоvonларим қонади,
Юзларимга уриган қор вужудимни ёқади.
Узук-булук хотиралар ўтмишимга боқади
Мен ким эдим, бүтун ким-у, эрта ким?

Отам олдин инсон эди. Мукофотсиз яшатам,
Қядоқ кўл-да меҳнат қилиб ўз ошини ошатам.
Боғларин камолатдан қирмиз гулдай яшатам
Ул-ку отам. Мен кимдурман? Эрта ким?

Онам эса, куча кўрмай турт деворда оҳлари,
Ениб алта айтар эди Ой балқиган чоқлари.
Бешик узра томчиларди кўз ёш-мунчоқлари
Онам шундай ўтган аёл. Бугун кимман? Эра ким?

Хотиранинг жанда-ларин осиб кўйиб тоқчага,
Шўрдан қотган қўйлагини қуригадан тонгчага.
Сўроқларим ёғилди — улар етар мингчага,
Эртанимга ўтарманми? Эрта киман? Эрта ким?

Фонус ўчиб қолди йўлакда,
Рўпарамда тош қотган сиймон,
Ҳисларимни аста йўрғаклаб,
Қўзларимга қўяман симоб.

Сени яна қайта кўргунча,
Куйиб битсин кўз қорачиғим;
Кечирмайман Сени ўлгулча,
Номинг йитсин, дўзахнинг чўғи!

Эртанимни эркак бердим мен,
Орум — эркинги беваси бўлсам,
Ишқ атаган Олғоҳнинг сен-чун,
Табқиқ этган меваси бўлсам.

Фонус ўчиб қолди йўлакда...

* * *

Бўронларнинг кўлида жоним,
Ўтай онам эрур Ҳаюват.
Мени сотиб кўйди сирдошим...
Ўз-ўзимни айладим форат.

Сотқинликдан устунироқ ўят,
Қурбон бўлган бошини силаманг.
Ғаним айбин англаса шояд,
Бу кунимни ҳечга тиламам.

Мени сотиб кўйди сирдошим,

МУТАРЖИМ

Иккимиз сўзлашсак борлик бўлиб жим,
Халақит бермасди, сақларди сукут.
Табнат бизларга бўлиб мутаржим,
Дилбар ишқ-вафодин берарди ўғит.

Шу зайил баҳорлар гўллади суҳсур,
Ез келиб тўлишдиқ бахтли онлардан.
Қай бир кун сўзимизга келио кўнди куз
Бефарқлик дард бўлиб юқди қайендан?

Энди кўзларимиз сўзлай бошлади,
Гинаю кадарни сингдириб чўкка.
Сўзлар бизни ташлаб кета бошлади,
Оқибат-жавоблар қоринди йўкка.

Энди иккимиз ҳам оғир қарвондай,
Энг олдин сўздан ҳам безди бу юрак.
Ўқ теккан ул сўзлар ўқсик—армонда,
Кукунлар томирдан ўтар югурак.

Энди кўнглимизни кўтармоқ учун,
Идроқ кун ва тундан бир сўз излаймиз.
Маҳшарга хотиржам етмоқлик учун,
Бардошдан қаноат, тўзим сўраймиз.

ҲИЖРОН КУНИ

Ўчиб кетар экан турналар,
Қур-кур, дея ув солар чуввос.
Ҳижрон келиб патни юлмагар,
Бир кайфият одамларга хос.

Ота уйин тарк этган қиздай,
Юрак-бағри хазин тирналар,
Ярим тунда учган юлдуздай,
Бир наришон учар турналар.

Сиз-ку яна қайтиб келасиз,
Ўч ой деган ўтар-да, кетар.
Ўч ойдан сўнг баҳор, биласиз,
Ўч ойдан сўнг бу замин гуллар.

Лекин менинг эсимиз дугонам,
Тарк айлади бутун ёр уйин.
Ўнгла энди шодлик бегона
Ўни қучар тул ҳижрон куйи.

Баҳор билан қайтасиз хушрам,
Иўл азоби унут бўлади.
Лекин менинг эссиз дутонам,
Ўз уйида унутилади.

Уч ойдан сўнг баҳор, биласиз...

ЕМҒИР

Лоқақал ёмғир ҳам ёмади бўлун,
У каби ёмғирни севаман мен ҳам.
Ёмғирдан сочлари сирға бўб, балки,
Энтикиб қайтарди ёнига эркам,
Ёмғир ҳам ёмади, у ҳам келмади.

Энди шўх елларни кута бошладим,
Лоқақал шабода турмади бўлун.
Сабодан вужуд баҳр олиб, балки,
Ёнимга еларди эрта тонгми-тун,
Еллар ҳам елмади, у ҳам келмади.

Куёш ҳам кўрсатди чўтдек юзини,
Ойдин тун ҳам ўтди, сўлим кеча ҳам.
Лоқақал хаёлим бермас изини,
Иўлига интизор етарди хўб ҳам.
Мени ҳам ютарди, уни кутардим.

Энди кутинишга ҳам тоқат қолмади,
Саволлар домида мен жуда толдим,
Узун йўқлашларга қилдим-да ситам
Хомушгина анҳор лабига бордим,
У тинмай юрарди, мени кутарди.

ЕНИЛ ТОРТАСАН

Бутун йироқдасан мендан юлдүздек,
Тамаки дудидан оласан алам.
Қадрдон дўстиништа оз-оздан суз-да,
Мени ёмонлагини ичш олдидан —
енил тортасан.

Сўнгра мактубларим титтил бирма-бир,
Ишжик сатрларим аёвсиз тошди!
Фақат камчилигим, ёмондан гапир,
Ёмон хислатларим ёдириб ташди —
енил тортасан!

Хориган бошининг кўйиги ёстиққа,
Бошининг тағида мен берган тумор.
Сархуш боқасан қалампирмунчоққа,
Тан олки, ушбу дам ёнлар хумор —
енил тортасан.

* * *

Уйламанг, ҳеч сирдан воқиф эмас деб,
Барнолар ёқади сизга ҳам, бетим.
Сиз мени гўзаллар Марбудаи деб
Мақтаманг, билман бу рўёлигин.
Яхшиси ўзинингиз гўлинка солинб,
Салоқат сўзини кўз ёш-ла айтинг.
Кун бўйи не қилик, не ишдан тоиниб,
Кечкурун энг содлик қўлимдай қайтинг.
Уйламанг, ҳеч сирдан воқиф эмас деб.

ТУШЛАРИНГ АЙТАСАН

Хар тонг тушларининг айтасан ёниб,
Синиққан кўзларинг синган ойнадай.
Билман, бул дамлар ўткинчи, оний,
Тоқатлар тилайман сенга онадай.

Не қилай узатай десам калта даст,
Менинг-да тушларим алғов-далғовдир.

Тушлар-мас, ҳаётим ўтар зеридаст,
Кўрганым фалакнинг ўзи мижғовдир.

Бу яддо устунни юттани заққум,
Сувач тоғларим ҳам кетдилар тониб.
Кўзларим тоддилар тополмай Ҳақни,
Юрак ҳам сўнмоқда шам каби толиб.

Сен эса, туш айтиб нажот тиларсан,
Фарибтар дил тўлмас сўзимдан, кечир,
Мен ҳам бир сарғайган япроқ, билмайсан,
Яхшии кўзингдан Меҳр-май чир.

Ул майдан жаннатнинг ифори келиб,
Илоҳим куч берсин хазин дилимга.
Умидни Муҳаббат тумори қилиб,
Сени олиб кеттум Дунё — дунимга.

Ўшанда тушларинг оққа кўмилиб,
Тонгларинг ёришгай уйғониб хобдан.
Менинг ҳам ўксиган дилим томири,
Куч олиб кўтилгай руҳи жағлоддан.

...Сен менга тушларинг айтасан ёниб.

ЮРАГИМГА ЧАҚМОҚ ТУШДИ

Юрагимга чақмоқ тушди, жароҳати азобдир.
Димоғимни ачитади қон аралаш тутунлар.
Энди билсам тутамас ғам тирикликка неёндир,
Адоғи йўқ маломатдан афдарилди устунлар.

Ўхшаб қолдим нин бўм-бўш чиройли кўғирчоққа,
Кўзларимни очиб-очиб боқаман ўта бефарқ.
Ҳанимларнинг усталиги соғди мени шу кўйга,
Бурқсиб турган вужуд худди яшин урган бир дарахт.

Кизик бўлар экан жуда Аёлни аёл урса,
Билиб тургим эркак асли боқар саҳна ортидан.
Тилларимни сугурдилар, онгни заҳарлаб роса,
Яна мақтаб кўядилар оломоннинг олдидан.

Ҳанжадай ёшим оқиб кетди бооболар ётган ерға,
Бунин кўриб-билиб турар Кўклаги буюк кудрат.
Бу беш кунлик ҳаёт худди ўхшаб кетар қиморға,
Мен енгилдим. Сенинг бирла ҳисоблашсин охират.

Юрагимга чақмоқ тушди, жароҳати азобдир.

ДАРДЛАРИМ МАНИМ

Дунёдан ненидир олиб яшадим,
Эд-юртта меҳримни бериб яшадим.
Туз-насиб қаерда териб яшадим,
Шодлигим Сизга, дўст, дардларим манним.

Сайёра бўлмадим дунёни кезиб,
Оввора бўлмадим ёлгон шеър тизиб,
Содинқ дўст васлида эгилди тизим,
Шодлигим Сизга, дўст, дардларим манним.

Мен шухрат тожини даъво қилмадим,
Рост-ёлгон мақтовдан ҳаво қилмадим.
Ҳам айтар сўзимни ядо қилмадим,
Шодлигим Сизга, дўст, дардларим манним.

Биродар, энг яхши кўним Сизники,
Ўғил-қиз фарзандим, тўйим Сизники,
Юракдан силққани кўйим Сизники,
Шодлигим Сизга, дўст, дардларим манним.

Номингдан ўргилгай, дард берган Худо,
Шеърни ҳам, сўзни ҳам қара берган Худо.
Мангалайга тутамас туз берган Худо,
Дўстларга шодлиг-у ғам бўлсин манним!

Дунёдан ненидир олиб яшадим...

ЧҮКИБ БОРМОҚДАМАН

Чўкиб бормоқдаман кунда ер томон,
Тақдир китобини ўқиб бораман.
Кутиб ол, сен унда, Балиузамон,
Сенга янги шеърлар ўқиб бераман.

Балки ярагулик сатрларим йўқ,
Балки қуруқ гаплар улар шунчаки.
Улар ўзимники, кўнглинг бўлсин тўқ,
Ҳеч кимдан олмаганман кўчириб.

Сен найранг қурбони бўлгансан, мен-чи?
Минг битта ғанимдан бошимда шишлар.
Уримни қайчилар бир каслар кечил,
Юрагим занглатди дунёвий ишлар.

Мана мен улардан тониб юз тубан,
Кетиб бормоқдаман тинч бир очунга.
Сенга заҳар берган мардни кутиб ман,
Бироз ушланиб қолдим чоғимда.

...Сен мени кутиб ол, Балиузамон.

* * *

Ажаб ҳижрон сўзи тушганим корта,
Ҳисларим қогога қилурман баён.
Топингум келади боз сендек ёрта,
Кўзларим тубида аксинг намоён.
Ҳижронда хатойинг кечириб минг бор.
Ҳеч гап ўтмагандай суяман ўзим.
Ўзим кетдим, Сени атаб гуноҳкор,
Ажаб, яна нечун қуяман ўзим?

ҲОЛАТ

Мен ётардим беҳол ва бемор,
Енимдан ўтдилар бепарво.
Энди қайта туюлмас, дея
Ҳолатимга бердилар баҳо.

Мен эса Оглоҳдан куч сўраб
Иродам тўпладим кўлимга.
Умид нури нглоҳам бўлиб,
Поёндозлар отди йўлимга.

Эртикиб тиригдим бу бахтдан
Сўкидилар Армон чоклари.
Остонамга чорлайди мени
Рухмининг ой келинчакалари.

* * *

Сиз ўзга аёлларни асрадингиз кўл,
Уларнинг тарафин олдингиз ёниб.
Уларга ҳимоя — ҳар сўзингиз ўқ,
Уларнинг қошида битта мен фариб.

Сотқин қўлларингиз оралардан
Сирғалиб-сирғалиб чўкиб боришман.
Ичимга ўрлаган до-орларимдан
Қип-қизил қонимга чўкиб боришман.

Мен яшар Ватанинг остонасида
Ҳиёнат итлари ётибди ухлаб.
Сийлайсиз уларни устихонимдан,
Ўзаглар аёлини ўтасиз ялаб.

ҚАРҒИШ

Менга деган бўсаларинг энди керакмас,
Сен уларни ҳада қилгил қалби бўшларга.
Ширинсухан гуфторлингнинг менга эрмакмас,
Мақтов қилиб ёр уларни қаламқошларга.

Эркаловчи сўзларинг ҳам мен учун ҳечдир,
Энди сени топирурман Толе кўлига.
Кўзларимга тикилма, кўй, энди била кечдир,
Гиналарга ўрин йўқдир, ул ҳам йўлига.

Бертан куюк вавдаларинг куйморинг бўлсин,
Мажнун бўлиб сахро кезма, йўқдир фойдаси,
Ушлаганим қирмиз гуллар нитоҳинг ўйсин,
Афсусларинг ҳеч бўлмасин кети, адоғи.

Сени деган ўшал дамлар айлансин тушга,
Тушларингда қил тор бўлсин тўлгонган сочим,
Мен ҳам энди ул дамларни юрарман хушлаб,
Зор айласин сени мудом Висол қувончи.

Мен кирган туш ҳеч ўнгидан келмасин, илгоҳ,

* * *

Сир эмас мен танҳо сени севардим,
Боладай пок меҳр, шаффоф туйғу-ла.
Ҳижронда сочларим ёнб йиғлардим,
Мен билан йиғларди ҳурқиз-туйғулар.

Сир эмас инқимнинг танҳо султони,
Ишқ тожим бошингда эрурди олмос.
Пинҳона боғларим сочларим билан,
Боладан минг хаёг бўларди мерос.

Энди соғинчларим сир қолсин мангу,
Қадрсиз қолган ул туйғуларим ҳам.
Ҳисларим тушуниб етолмаган ул
Бегуноҳ йиғида нима ҳам дейман?

ЎКСИНИШИ

Юратим боладай чоққиллаб кетди,
долазорга урди ўзини.

Унинг ҳам кетидан тушди бир ғаним,
улачаб бораверди изини.

Таъқиб этманг, дейман, Шубҳалар,
Ҳеч ким билан ишим йўқ, ахир!

Тинч кўйингиз, қабиҳ шевалар,
Бунча сизнинг кўнглингиз бахил?

Бола қабл бегубор бир дам
долазорни кезсам не бўлмиш?

Кўнглима кул тушиб Иродам,
Гўзалликини макон айламин.

Ўйда тошта урилган бола.
Бу йиқилган юратим саси.

Овутолмай кўплар овора,
Дола ранги шундандир асли.

Юратим йиқилган боладай йиғлар.

ГИНА

Мен дарёдай ухламадим,
Мен шамолдай тинмадим.

Кўшнқларим куйлар ошқ,
ўйққлигим билмадинг.

Денгиз бўлиб шовулладим,
Оташ ишқдан куйладим.

Борлиқ менга кўшилди, сен
мушққлигим билмадинг.

Теракларнинг барги кумуш,
Кумушга ип уладим.

Маржон тиздим улардан мен,
Қувноқлигим билмадинг.

Сабуҳ гули бўлдим тонгда,
Булбул бўлдим, тинмадим.

Наҳр бўлиб нур таратдим,
Булққлигим билмадинг.

Дарчаси берк бу дунёда,
Гулта садо ийладим.
Замин уэра ҳар гиёҳта,
Инжа шеърлар жойладим.

Утар умр карвониди,
Арадайн синмадим.
Куз келмайн титраб турган
Япроқингим билмадинг.

КУЗ

Атиргул гулбарига;
недир келиб ёпишди.
Дош беролмай гул барин,
зумда узиниб тушди.

Пойлаб турган қув шамол,
гул барини учирди.
Энди унинг ошёнин
сув бўйига кўчирди.

Соҳилдаги бир гўзал,
Хаёлта чўмган эди.
Ошпоқ пўртаналарга
оёгин кўмган эди.

Бирдан келиб оҳишта
гулбарги қизин кучди.
Бундан шайланиб ул қиз,
Само бағрига учди.

Ул қиз тушгунча кўкдан,
Янги гуллар очилар.
Умр боғбони тинмай
гул бағрини қайчилар.

ЯХШИЛИК

Яхшиям, ўртада олмас йўллар бор.
Яхшиям, тоғ тўсиб турар манзилни.
Яхшиям, кул қилиб олмас Ихтиёр,
Бўлмаса қор кечиб, яшиб, униқиб
йўлга тушардинг.

Деразам чертардинг асабий ҳолда,
Кўшинлар тумонин оширар эдинг.
Дарпарда орқали боқиб хонамдан
Кўрсатмай ўзини яширар эдим,
ўйга тушардинг.

Тамаки тортардинг устма-уст тинмай,
ўйлардинг: наҳотки у қайтмас эди?
Тош бўлиб турардим қилардим билмай,
қайғу кўшардим.

Яхшиям, Сабр бор—Орият ўғли,
Яхшиям, Осмон бор кўнгли атамниш.
Бўлмаса барини бир четга кўйиб
Йўлдаги умрлар хунлар ахтармиш,
тилга тушардик.

...Яхшиям, ўртада олмас йўллар бор.

ЧУЛИ ИРОҚ

Чўли ироқ,
Сендан яна кетолмай йироқ.
Сеҳрли оҳангларингта суяниб қолдим.
Қораю оқ рангларингта ўралиб қолиб,
Оташ нидолардан кўлимга олиб,
ўқиниб-ўқиниб йиғладим яна.

Билмадим, бунчалар юратим қақшар?
Бу ғам менингта бунча ҳам ўхшар?
Вужудим тилкалаб, руҳим тилкалаб,
Чўли биебонга чиқариб ташлар.
Саросар йиғладим отамни излаб,
Умидни узганим мендайн қиздан?
Япроқларда қолган болалигимни

Изладим ойдан ва олис юлдуздан.
Сомон йўли каби сочилиган ёлим
Осмонидан боқди онам мўлтираб,
Нақадар бевафо экансан, дунё?
Нақадар бебақо экансан, ё раб?
Шунча азналарни қолдириб қайда,
Асира айладинг тофил бир дилга!
Бутун мен соғинччи минг қўл-ла тутиб,
Ташлайман сенингдек қудратли селга!
Мен тоғлар бағрини тилмам кон излаб,
Йўқотган Тоғем юрибман сизлаб,
Яхшилар, Сиз менга устун бўлинг деб,
Хоритан руҳимни юрибман тезлаб,
Чўли ироқ.
Яна Сендан кетолмай йироқ,
Дуторга боғланган дил торим чертиб,
Ул дорга айланган сочларим ситиб,
Чўли биёбондан эрким излайман,
Асира Лайлидек ногон бўзлайман!

ДУСТИМГА

Дарахтлардан сўра,
беғубор бўлдимни унинг камол?
Кимдир баргин юлди, кимдир тирнади,
Яна кимдир пичоқ билан ўйди ўз номин,
хуллас, дарахт тани роҳат билади.

Дарёлардан сўра,
Осон бўлдимкин унинг кечмиши?
Кимдир сувин булғади, кимдир тушурди,
Ким ҳаёсизларча юлди оёғин.
Қотиллар қилмишин яширмоқ учун,
Сувларга иргитди кирдикорларин.

Тоғлардан сўра,
илма-тешик бўлган бағрига қара,
тилда деб, кумуш деб қавлавердилар,
Мавдан деб боз қанча номларни тиркаб,
кадамш ситгари овтайвердилар,
дилзада тоғларга қарагин, ахир.

Заминга қара,
Тешик най-онанинг етмиш томири.
Боласин устма-уст ерта қўйгандай,
қон-қора ридога чирмаб толен,
Уш не кўйларга солмади, айттай.
Шуларни кўртин-да,
ҳолимни англа.
Ноним, тузим, нчар бўлогим,
етар тушакларим тўлса заҳарга,
Менинг ҳолим не ҳам кечарди?!

* * *

Бул хона иккимизга қилди торлик,
Хиёлар зафори сизмайдил унга.
Иккимиз илкида эзар Безорлик,
Оҳлар тўлдирди уйни тутунга.

Бул кўча иккимизни сиздирмас тайин,
Тошларнинг комидан чиқар илонлар.
Кўнглимиз овламоқ бўлган Сўз майиб,
Алдоқни сийлайди басир Имконлар.

Бул шаҳар зор эмас тоғесизларга,
Кўнгли кўчасининг байроғи йиртиқ,
Мис, темир тангалар терасиз ердан,
Сизни кўл бозори кутади интиқ.

Сиз ундан излайсиз Соғинч кўйини,
Тополмай кезасиз хомуш, дилзада.
Билмайсиз Омадининг олтин йўлини,
Беркитиб туради чўян дарбоза.

Бул олам иккимизга қилди торлик.

МУРУВВАТ

Тегирмонга қилдим мурувват,
Шамол йўлини тўсдим зўр тошдай.
Бул ишимга олдим мукофот,
Шундан шамол увлар бу бошда.

Чархпалакка ҳамроҳ бўлди дил,
Энди менинг тушларим хушёр,
Ҳар тун келиб юзлаб парилар,
Сув қўйишар бошимдан бисёр.

Раҳм қилдим шайтонваччага,
Иблисни ҳам сийладим обдон,
Дўзах кунин бошимга содди,
Афдарилди елкамга осмон.

Вужудимга сипмаган чечак —
Муҳаббатни экдим юракка,
Аммо у ҳам руҳимда яшаб,
Қиёматга бошлайди тикка.

Менинг учун, эзгуликпарвар —
Некбин туйғуларнинг зорига,
Диа битта яхшилик қилсам,
Ўргимчак ҳам осар дорига.

ОРОМ ИҶҚ

Мен дунёни яраладим дард билан,
Безиллайди фалак менинг додимдан,
Чиколмасман, нетай, Соргини қабридан
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Унутган хазинам бахт-да тескарн,
Кўйлагим ранглари борар эскириб,
Диговар даврага отим қистадим,
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Марварид гулида хаёлим бодроқ,
Хозирча ҳеч ким йўқ улардан бойроқ,
Шайтоннинг кўлида сийланар Алдоқ,
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Минг азоб бағрида тўлгонса-да дил,
Толедан бахт сўраб ўкиради тил,
Дуч келган кимсага Ҳудо, этма қул,
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Биламан, Мағрурлик етар бошимга,
Қаноат узилтай эли Бардошимдан,
Сўнг заҳар қўшилар еяр ошимга,
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Оромим музларнинг бағрида тунар,
Содик дўст Маҳшарда — бекада кутар,
Илоҳлар саф тортиб гулдаста тутар,
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

ИСЕН

Бағримда бир мусофир йиғлар,
Жандагларда, фаромўш, дилгир,
Ул мусофир сағир кўнглимдир,
Ноласидан этакларим ҳўл.

Юрагимни бир нидо тирнар,
Дак-лак оққан қондан ҳолим танг,
Бул мен яшар юлуи ватандир,
Ожизларга ожиздир Ватан.

Борлигимда ёнар аланга,
Вужудимни кесади ёмон,
Эй ёр, Сизни йўқотган дамлар,
Мени ҳам хуи айлади ҳижрон.

Кўзларимни ёндиреди ёш,
Ғам дийдамни айлади макон,
Кўзларимдан ситилган бардош
Қайта-қайта олаверар жон.

Тўйиб кетдим, Бари тугади,
Ҳатто вафо қилмади юрак,
Ўз кўлимда ул жон бебади,
Энди буидан кетмоғим керак.

Бағримдаги мусофир, кетдик,
Эрк деганга берайлик жонини,
Иймонсизга бериб қўймастан
Биз сипмаган ночор Ватанин,
Бағримда бир мусофир йиғлар...

КҮЗ ВАЛЫСИ

Дарахтдан узилган сўнгги бу япроқ,
Сўтим куз машиқта рақс тушарди.
Энг сўнгги нистаги қолмасин деб тоқ,
Шамол ҳам увралиб тишмай жўшарди.
Бошлари айланиб, вужудин ёниб,
Қизарган юзларин босар шамолга.
Ер, дарахт орасидаги ҳижрондан тоғиб,
Лабларин босади зарҳал паймонга.

Уйини тарк этган бевадай беҳол,
Юраги увушар, тоқат бўлар тоқ,
Олинда турибди нотаниш висол,
Олинда ўлим бор, чекинмас мутлақ.

* * *

Дарёни кўзлаб мен
тошларини кўчдим,
Бир кулгум сув дея,
Оролга учдим.
Товоним ёридан
аччиқ тузлардан,
Шул ҳолга келтирган
қалби музлардан
дод дея, ортимга
қайтдим нонлож....
Эй худо, бу дунё
бўлмастан фалаж
сув бергил дарёга,
ташната сабр.
Бу дунё бўлмастан
сахрою қабр.

ФИДОПИЛИК

Тун кўнгиброғи жаранглаган пайт,
Адиблар пойига энё чўккан пайт,
Ёнингда сирдошнинг — дўст бўлмаган пайт
Мени хотирла!

Кўшиқлар янграса дилбар тўшангда,
Хуш ҳаво мушк анбар келтирган дамда,
Сотганиб юрагинг эзилганида,
Мени хотирла!

Туморинг қатига седона мисол,
Қалампирмунчоқ-да очганингда фол,
Чарогон дамлардан тонганда нқбод,
Мени хотирла!

Кўнгиброқ товўшда ташвиш бўлса гар,
Юзингга кўйдирса иссиқ кўз ёшлар,
Бил, недир юрагим Сен томон бошлар —
Учгум потирлаб!

ҚИЙНОҚЛАРДА ЖОНИМ МЕНИНГ

Сиз киму мен кимман, ахир,
Сизни деди танги тақдир.
Лекин мени этар таҳқир,
Қийноқларда жоним менинг.

Битта онам анда тутқин,
Тополмайман арқининг йўлин.
Боролмайман нистаган кун,
Фироқларда жоним менинг.

Елғиз қизим кела олмас,
Кенг уйимга боши снмас.
Бир сўлувиниғ жағи тинмас,
Сўроқларда жоним менинг.

Дузах десам оловни йўқ,
Қаро куним қалови йўқ.
Юзсизлариниғ ялови йўқ,
Ингроқларда жоним менинг.

ТҮРНАЛАР

Тирикманми ёки ўлик?
Бунча менинг кўзим сўник?
Шеврларимнинг сўзи мунглик,
Мудроқларда жоним менинг.
Дарёлардай оқди юрак,
Бўлолмади ҳеч ким тиртак,
Кафан бўлар йиртиқ йўрак,
Тупроқ бўлар жисмим менинг.

Бунча эди мени ТАҚДИР!

УКИНЧ

Дунё, шунча тилсимдирсан,
Сенинг ўтар ҳар бир кунинг
муҳаббатдай серқилиқ,
Дунё, менинг қароғимда,
Борлигимда илинж шъми,
тирилтирар журъатини.
Шул журъат-ла айтум сента:
Мени бунча йиғлатдинг?
Мен мард эдим, лекин нечун,
Дунё, мени аямading,
тушумading, ҳатто, сен,
Менга деган қисматлар мўрт,
Сенинг энг зўр хатонг — Мен
Ҳақни айтиб ёмон бўлдим,
Ҳақ йўлида таландим.
Ҳақни айтиб ёмон бўлдим,
Дунё сенинг хатойингманг,
Дунё, сенинг дардингман.
Сен ҳаётим тўлдирмадинг,
мен ҳам сенинг камингман.
«Ўтар дунё», дейдилар-у,
синар дунё экансан.
Салтанатинг ёлғиз тожн,
қолар дунё экансан.
Дунё, дунё, мендан баттар,
беҳол дунё экансан!

Турналар маржонин кўрганга кўкда,
Батримга ситмасди қувонч, ҳавжон.
Улармас, гўёки мен учиб ўқдай
Арғимчоқ ипга осиларди жон.

Учинга иштиёқ мунчалар кучли!
Болалик хаёли бойланиб ойга,
Гўёки ўзимга бордайнн ўчим,
Чопардим йиқилиб тоҳ қир, тоҳ сойга.

Бугун ҳам турналар учарлар кўкда,
Юратим қизийди боқаман вазмин.
Дилтирман учининг чораси йўқдай,
Кўлларим кўймасдан гўё бул замин.

Ҳа, энди турнадай уча олмасман,
Ҳавжон айланди бўкун хайратга.
Шевр аро шоҳ сатрим топа олмасдан,
Қарз бўлиб яшайман мен шеврийдан.

СИЗ МЕНИНГ БАХТИМСИЗ

Сиз менинг бахтимсиз арақлаб турган,
Тиллоранг туйғулар эъозда ҳар он.
Дарёдай изларим кенг роҳлар кўрган
Дамларда қашқирдай увайди Ҳижрон.

Сиз менинг Армоним, тоғесиз фаслим,
Ҳазонрез вироқлар йўлимда йиғлар.
Қалбда Ишқ дўнади бордайнн қасда,
Товоним тилади ипгадай музлар.

Сиз менинг Кўшигим Сопинчдан толган,
Армоним, ардоғим, тириклик оним.
Фаноладан ёлвориб омонат олган
Бирда бор, бирда йўқ юпун жаҳоним.

ГҶШКУНДИК

Тўдасидан айрилган қушдай,
Кафтингизга қандоқ ҳам кўндим?
Қушлар ўтди алдоқчи тушдай,
Исик-совуқ барига кўндим.

Тақдир, дедим, овчи мерганим;
Беҳатоват умр ҳам синди.
Ситамларга мардайд чидадим,
Юзларимга чандиклар инди.

Балки ёмон эмассиз, чунки
Сиздан гўзал фарзандлар кўрдим,
Уларни шамолдан асрадим, лекин
Уйингиз нинга ўзимни кўмдим.

* * *

Кўнглимга Ой ботди, чиқиши қийин.
Кўзимдан сой оқди, тиниши қийин.
Ой бўлсанг нетарди, тўлардинг бир кун,
Сой бўлсанг сайроқ қуш сўйлардинг бир кун.
Най бўлди сой узра ўсган қамшлар,
Ул дилдан бир ситиб кўшиқ қилмишлар.
Бу дунё ишқимни қилар овоза,
Тешик най оғзига йўқдир дарвоза.
Кўнглимга ой ботди, ҳулласи қизил,
Сой узра чўғланган шуъла — сир... нзм.

* * *

Мен ружув кўймадим фоний дунёга,
Ҳаётим йўймадим қатгис риёга
Соғиниб, яшадим Ишққа, Бахорга,
Азизим, кел, келтиб жаҳоним тўлдир.

Кўзимни кутмадим кўзда ёш билан,
Савдолар оғритган маънос бош билан.
Қушларим ўтдилар баҳс-талаш билан,
Азизим, кел, ҳасрат замоним тўлдир.

Душманинг ваҳиддан яшадим кўркмай,
Уганинг ошига кўлимни тикмай.
Дек дардинг дилимга санчиган тигдай
Азизим, кел, тоғдай армоним ўлдир.

Бог аро изладим ўз гули-сайди,
Момонинг дуторин кўтлар кўмсайди.
Қошқи, дил амрига тақдир кўнсайди,
Аммо бу ёлғизлик талтаган йўлдир.

Азизим...

БАРДОШ ҚУШИҒИ

Гўёки кўрмаган бўласиз мени,
Номимни билмаган бўласиз менинг.
Борлигим сезмаган бўласиз, лекин
Недир мени бўға бошлайди...

Бир садо чиқмайд — гунг икки тараф,
Бардош ҳам ингранар кўзларга қараб.
Еригиб кетади деворлар доғлаб,
Ўқсик мени бўға бошлайди.

Чойнакдан дарёнинг саси келади,
Гуллардан даланинг нси келади.
Кўлимдан чиққан нон ҳиди кудф урар,
Сиздаги беғамлик бўға бошлайди.

Дўшнингиз бир қоқиб кийдингиз бошга,
Қараб ҳам кўймайин чиқдингиз ташга.
Видолар айтдим-да мен ҳам Бардошга,
Остонага ўзим ташладим.

Билмадим бул ҳолат қанча чўзилди,
Ушаш кун юракдан недир узилди.
Номин йўқ бир дардаг мингги кўшилди.
Армон кўшингини айта бошладим.

... Гўёки кўрмаган бўласиз мени.

Мен Сиздан кетдим. Кизик, нечун,
Ингламайсиз кукракка муштлаб?
Нечун бор йулларни тусиб, кийлаб,
Кулларимдан қолмайсиз ушлаб?

Кизик, нечун мен ҳам ўқиниб,
Инголмайман сочларим юлиб?
Нечун бу дунёни бузмасман,
Бир йўловардай беҳад ўкириб?

Кизик, нечун бефарҳумиз бунча?
Бунча лоқайд ҳар иккинчиз ҳам?
Бизни кулиб қарши олдир-я,
Узун бўйли, темир тишли Ғам.

ҚУШИҒИМ

Чакиллаб оқмагил, юрагим,
Бор ҳаги сенинг кўп керагинг.
Тарк этма менингдек тебани,
Инглама, ярадор қўшиғим.

Отамни қаёққа кузатдим,
Акам ҳам, укам ҳам узлатда.
Хижронинг олови музлатди,
Инглама, ғуссадор қўшиғим.

Дуторим торлари узилди,
Подалар йўлимда чўзилди.
Оромим отамни бузилди,
Инглама, нолакор қўшиғим.

Дўстларим қадами бозорда,
Мирисиз ошнодан безиллар.
Ҳаселлар аридай тўзиллар,
Инглама, дилафтор қўшиғим.

Чакиллаб бир кунни тутайсан,
Йўлимни маҳшарга утайсан.
Азронг пойига кулайсан,
Инглама, ғуссадор қўшиғим.

ЧОРДОВ

Хоррин ер ҳайдовчи соғга чўқди,
Унинг кўз олдига тутунган ўчоқ.
Меҳмондўст якакку ҳам чордовда бўлди,
Келармол, дегандай, кеч қолган кўноқ.

Шамол-да кирғоқдан тонди тинчини,
Кий-чулги бозорда тутатди савдо,
Бедаси ўриган далаглар жимиб,
Кўклагин юлдуга боқди шайдо.

Юлдугалар, худдики, ердати тўглар
Ҳавасинг кетатди боққанинг сайин.
Ранглари топ-тоза, гўёки хурлар
Терангта рақс тушар, қадами майин.

Бошимда бир тоза хаёллар уйғоқ,
Дунёда ғам-ғусса йўқдайин абад.
Хоритан кўксимда сирли кўнгиروق,
Унингни шарафлар гўзал муҳаббат.

Беташвиш меҳмоннинг ёнига бориб,
Чой ичдим у билан ўчоқ бошида.
Гулханнинг тафтидай Сени соғиниб,
Васининг изладим юлдуга қошидан.

Қайласан, эй менинг тоза хаёлим?
Дала-туз бағрида тинчгина кўрғон?
Тириклик ташвишини унутиб бир зум,
Бетубор бу дамда бўлиб кет меҳмон.

ҚАМБАР МОМОҒА

Момо, бутун қадрингиз жуда ҳам билинмоқда,
Қандоқ ҳам бериб кўйдим Сизни совуқ туфроққа?
Бу ҳаёт сўқмоқларин тикони кўринмоқда,
Тўғри кесар борлиқни, соғинч юрак-эзмоқда.

Сиз да ўтган кунларин эртакка қиссаладим,
Нобини бўқ Орузнинг чаманида кезардим.
Падор қолган дуторни кўпол кўйла-ла созладим,
Депсангиз сўз дурун маржон қилиб тизардим.

Гар табият бағрида бир мўъжиза ярқ этиб,
Остонамда Сиз яна пайдо бўлиб қолсангиз.
Кўшни жипса қилиб сенга келтирдим, дея
Қошки эди боладай боз мени алдасангиз.

Бир пайтлари қамчидек сочларингиз тўлғониб,
От устида Барчиндай қоматингиз дол турса.
Қўлингизни тутганда жисми-жоним чулганиб,
Қўлбам ичра чеҳрангиз кўкдаги ойдан кўтса.

Лек парилар ой бўлган эртақ ҳам тирилмади,
Хаёт довули урар кўздан оққан ёшларим.
Қанча ёлвормай, лекин «Ёригтош» ёрилмади,
Мен ҳам «Ворса келмас»ни бутун таний бошладим.

Маҳшар бекати яқин кўришармиз, нишоолдоҳ,
Фиротнинг жабдуғини, момо, созлаб турингиз.
Бандликнинг байрамин ато этган кун Олдоҳ,
Имондан байроқ ушлаб йўлларимга чиқингиз.

Парилари ой бўлган эртақ ҳам тирилмади.

* * *

Ҳидлари келади ердан отамнинг,
Қаро ерни тўлдириб ётган
Отамнинг.

Ундан яна келар Онаминг,
Кўз ёшларин аччиқ таъми ҳам.
Юратимда ботмасми жонларим,
изларим

Сизга?

Оғир ботмасми,
Шу жуъссамнинг қоқ суяклариди?
Сал ноўнғай ҳаракат қилсам,
Сирқирайдиги етмиш бўғиним.
бойчечакларни

тавоб қилиб кўйдим бошимга.
Орзуларим

ҳалинчақларин
Учин тутдим куч бардошимга.

Қандай Отам бор эди маним?
Қандай Онам — Барчиндай сўлуви!
Илгилар, мен-да,
бойчечакларим,
Елгиз қолган кездарим маним.

Мажнунтолар,
оқ тоғлар-ҳўнграб
йиллаб турган қизларим-маним,
Нима қилсам бермасман озор,
на бул юртни қилгайман тулзор?
Отам хоки, кўллангиз мени,
Онам бўлиб суянгиз мени!
Ҳидлари келади ушбу тоғ ердан
Райҳон исли аждадларимнинг,
Пахта бўлиб, очилар кўзи
Муҳаббатдай жононларимнинг.

БАНДАНГИДРИМАН

Эй ёрим! Сиз бирла туноҳта ботдим,
Узимни Қасофат пойига отдим,
Сўнг яна йиллабон Қурьонга айтдим:
Бандангдирман, кечир, худойим!

Оқибат йўлини қалта ўйлабман,
Дўст қилиб ғанимга қулиб сўйлабман.
Жаҳодлат комини билмай бўйлабман,
Бандангдирман, кечир, худойим!

Қурьонни кутдириб, неларни тутдим,
Хулони чет қўйиб, кўнглини кутдим.
Уз онам тилини тўё унутдим.
Бандангдирман, кечир, худойим!

Эй отам! Мен Сизни қайга қузатдим,
Қалдоғам хайр, дея совуқ сўз айтдим.
Илгилар ўқирсам-да, ортимга қайтдим,
Бандангдирман, кечир, худойим!

Мен бир дам тинмадим, югурдим, етдим,
Узимни ахтардим Турондек элдин.
Қадимини тикладим кум тўла селдин,
Бандангдирман, кечир, худойим!

БУ ДУНЁ НЕ ҶУЗ?

Бу дунё не ҷуз? Оқ тонгми? *4905*
Сиз улар бағрида кимсиз, азиз ёр?
Жуда кўп айтилди айбодовчи нутқ.
Шу сабаб юракда қатма-қат озор?

Бу дунё не ҷуз? Таготўп майдон,
Савдогар молдек кўз-кўздир бори.
Ҳар каснинг ёнида бўйдор Пушаймон,
Ҳиннинг пойида йиғлар Армонли.

Бу дунё не ҷуз? Азлук қўшини,
Тонгдан то тун қадар янтраб туради.
Алёрта оҳ-ўҳлар чунон қўшилиб
Шодмонлик қонқасин бўзиб туради.

Бу дунё не ҷуз? Ширин тасалли,
Ҳаётни мангу деб сарпо йиғади.
Ва ўша сарпосин бир кўни келиб,
Онандай устинга ёпиб қўяди.

Бу дунё не ҷуз? Тиллоранг оташ.
Ҳамманш ўзига тортиб яшайди.
Кимгадир тиллосин кўпроқ беради.
Кимгадир ташвишлар ортиб яшайди.

Бу дунё не ҷуз? Таваба, ё қасдми?
Бир кўни тўй эрур, икки кўн аза.
Нурли ҳаселлардан кўни мақсадли
Тўнида эгилган шайтон — раққоса.

Бу дунё не ҷуз? Шўр очган дала,
Ошпоқ олмалар ва аччиқ қалампир.
Бизлар ҳам энг етук каслар эмасмиз,
Бироз даҳодирмиз, бироз қаландар.

МҲНГЛИ БОЛАГА

Бўжун менинг юрагим тўкилиб борар,
Қувончим бўғизлаб ғам кетиб борар.
Кимнингдир гуноҳи кўлимдан тортар,
Болажон, сен нечун йиғлаб турибсан?

Шундоқ ҳам осонмас шонр қисмати,
Кўюкдан кўюкдир ашдорин сатри.
Не учун сезмайсан ҳаловат тафтин,
Болажон, сен нечун титраб турибсан?

Сен ётап ой бешик бутун қайларда?
Айтиматан агла тешик найларда.
Елгизлик сийланди булча оҳларда?
Болажон, сен нечун иттраб турибсан?

Саховатпешалар чикур йўлингдан,
Бир кўни тутмишдир азиз кўлингдан.
Азят ҳайдалимиш мўрак дилингдан,
Болажон, сен нечун ҳуркиб турибсан?

Сен олов тулпорларда елишинг керак,
Чаммоқдай чарсиллаб келишинг керак.
Кўксингдан ўт олиб беришинг керак,
Болажон, сен нечун сўтиб турибсан?

Бул дайрул фанонинг юраги дардди,
Оқ ойдин сўт эрур меҳринг қадри.
Бошингни ғоз кўтар бўжун, эй мардим,
Кўн келур Ҳазрдан ҳиммат кўрурсан.

Бўжун менинг юрагим тўкилиб борар...

ДАРЁГА КЕЛ

Кўшиқ

Дарёга йўл солар бўлсам,
Чаманга йўл олар бўлсам,
Қалбим сенга талпинади,
Соғинганим билармисан!

Нақорат:

Гар соғинсанг дарёга кел,
Қироғи гул диярга кел.
Жийда исин тараб еллар,
Ўммонга кел, ифорта кел.

Дарё суви сочим бўлиб;
Тўлқинлари чорсуни бўлиб;
Иўлларингда турарман, ёр,
Қирқ кокилли барчин бўлиб.

Нақорат

Бир баликчи бўлиб келсанг,
Иўлимга тўр солиб келсанг.
Унга жон деб тушай ўзим,
Ошиқлардан ғолиб келсанг.

Нақорат

Оруздаги ойдни кўшиқ,
Яратганим — найдан кўшиқ,
Ул кўшиқнинг номи висол,
Тошганим сен — олтин кўшиқ.

Нақорат

КИМГА ОСОН

Мен чакмоқдан яратганман,
Менга қийин, ёрижон,
Оловим-да яратганган
Сизга қийин, ёрижон.
Ҳар тошлар бор иўлларимда
Ларзон-ларзон ёрилар.
Суриб қўяй десам уни
Кўлим қўймас парилар.
Чакинлари чарсиллаб,
Томирларим куйдираб.
Юзга урар тарсиллаб,
Оловлари ўлдираб.
Чакмоқ ёрни ташлаган
Сизга қийин, ёрижон.
Шуълаларда ҳолланган
Сўзга қийин, ёрижон.
Юратимдан оғриқлар
Туташади дарёга.

Шуг сабабдан тўлқинлар
Ўкиради Самота.
Ўз-ўзи билан ётган
Оловман, унутмангиз.
Босдим куюк оламини,
Менга осон тутмангиз.
Оловимда дов ётган
Сизга қийин, ёрижон.
Ўчиролмай гулханини
Бизга қийин, ёрижон.

* * *

Сен менга севгидан айтмадинг,
Баъзилардай нимадинг қасам.
Мен ҳам сента этмадим изҳор,
Бефарқ эдим ўзингга мен ҳам.
Лек тингладинг сўзларим жон деб,
Сен ҳам менга айтмадинг эртак.
«Менга иқбол кўп йироқ», дединг,
Нечун шу дам ўртанди юрак?
Билсанг, сени бетоле демай,
Ўдагимдай аёб юрибман.
Йироқдан чин содиқ дўстингдай
Омадингни тилаб юрибман.

РАШК

Сени кинотдан устун қўйган кун,
Баланд осмондан-да, юксак қўйган кун.
Юлдузлардан ёруғ тошган кун,
Шави гуллардан нозик тошган кун,
Борлиқдан ўзингни айириб олиб
Ҳаммасидан гўзал кўрган кун.
Сув, ҳаво, тоғ, гуллар
Мени ўлдираблар...
Сендан жудо қилмоқлик учун.

Яна бир кун севгисиз ўтди,
Бугдойнинг бўш бошони мисол.
Армон менинг пешонам ўпди,
Судралар кун мен-ла бемажол.

Яна бир кун севгисиз ўтди,
Мен айрилдим нузли иқбоддан.
Ул келар деб узун кун кутдим,
Синар бўлди дарчам бу ҳоддан.

Ишқсиз ўтган кунда кўшиқ йўқ,
Кўшиқларсиз қолдим бемисол.
Ул хонамга кирмади қайтиб,
От кўйдим мен ул кунга: «Ҳижрон».

МАРД ЭРГА

Сизнинг юратингиз мазорим бўлди,
Кувонч жой топмади — дил зорим бўлди.
Отингиз ёллари қил дорим бўлди,
Мард бегим, Сиз энди тирик ёр изланг.

Алвон дурраларим шамолда учди,
Қирмиз кўйлақларим ранглари учди.
Ишончим тоғидан исмингиз кўчди,
Мард бегим, Сиз энди сулув ёр изланг.

Сиз боққан уфқмас, менинг қон бағрим,
Манзилга етмаган тулпорим яғри.
Мен яшар уйлارнинг девори сағир,
Мард бегим, Сиз энди тўқис ёр изланг.

Сиз мenden бир йилит умридай қарасиз,
Кўз ёши қуриган Оролдай дардсиз.
Менингдек аёлни хўрлаган мардсиз,
Мард бегим, Сиз энди ойдан ёр изланг.

Дарахтнинг энг сўнгги япроғи — менман,
Саргайган гулларга мен ғариб элман.
Сетордан таралган бағри хун селман,
Мард бегим, Сиз энди дарё ёр изланг.

Сиз тумон умрининг йилт этган ёши,
Сўлим Ишқ қабрининг хотира тоши.
Кечиринг, тутди метин бардошим,
Мард бегим, Сиз энди темир ёр изланг.

НИКОҲ УЗУГИ

Қўлингиз қисаётинг никоҳ узуги.
А. Шер

Қўлингиз қисса гар никоҳ узуги
Не бўпти? Юратим ситмас кўкракка.
Жонимнинг риптаси минг бор узилди,
Розн бўп яшайдн тезда ўлмакка.

Қўл дейсан. Юмуш-ла овунар улар,
Кемирар Ғам-алам менинг ич-этим.
Исёндан тинмайдн сағир орзулар,
Савагайдн Алдоқ бетиним.

Қўлларинг жойида. Мен эса кунда
Бир қадам тупроққа кириб борурман.
Кўк узоқ. Дқини ер экан билсам,
Яқин ер кўксига сингиб борурман.

Қўлларинг жойида узук қисса ҳам.

АРМОНЛИ ДУНЕГА

Қўз ёшларим тилло эди, билмадинг,
Тиллоларни аямадим—йилтадим.
Оҳ, бу дунё бунчалар ҳам бешафқат? —
Бойбекалар назарига илмади.

Нафасимдан ёғиларди қумушлар,
Аямадим — ер-кўк узара учдилар.
Олтин, қумуш кўзларимдан оқса-да,
Бойбекалар мenden йироқ қочдилар.

Қўлларимда ўйнаб турган жавоҳир —
Қаламимдан туғилган ҳар тоза шеър,

Қадр-қиммат ато этган бўлса-да,
Бойбекалар мени назар илмади.

Кўз ёшимдан тилло узук тақдилар,
Кумушимдан не кўзларини ёқдилар.
Шерларимнинг бир сўзини тан олмай,
Мени четлаб, семиз киши боқдилар.

Оҳ, отамдай тушунмаган бу дунё,
Палаҳмоннинг тоши этган бу дунё
Мен ғарибнинг шайдолиги не экан? —
Бойбекани ғолиб этган бу дунё!

... Кўз ёшларим тилло эди, билмадинг!

МЕН ТИРИК ИНСОНМАН

(*Мавсуди Даврондан*)

Мен тирик инсонман, тетмангиз ахир,
Яшаш-чун ҳуқуқим бор эрур менинг.
Фазо бўшлиқлари ўз йўлгидир,
Бул замин бағрида тинч кўйинг, мани.

Мен кўйинг булбулман — қафасни билмас,
Мендаги қалб гўё япроғи тулнинг.
Фазо бўшлиқлари ўз йўлгидир,
Бул замин бағрида тинч кўйинг, мани.

Дўст тутиб суёсангиз шакар тилим бор,
Томчидан тўлганган сел-дардим менинг.
Фазо бўшлиқлари ўз йўлгидир,
Бул замин бағрида тинч кўйинг, мани.

Мен тоғдан, чўл, дентиз, чинор дарахтдан,
Қарз учуи олганман кечар ҳаётни.
Фазо бўшлиқлари ўз йўлгидир,
Бул замин бағрида тинч кўйинг, мани.

ЭИ. ДҲСТ

Бу жаҳонга на деб келдинг, на деб елдиг, айт-чи,
Эй дўст,
Паролаҳнинг қанотларин кирқолмаган қайчи, эй дўст,
Ангар бўлсанг иқтибосинг, қапалаклар найчи, эй дўст,
Кўним ёши селоб бўлди, англолмадинг мени ҳаргиз.

Тирамоҳда тиниқ оққан анҳор бўлдим йўлинг узра,
Унда байроғини сундим қаттираган кўлинг узра,
Ангилмаган бир ном бўлдим қалимасиз дилнинг узра,
Орулардин тойиб кетдинг, хушлолмадинг мени ҳаргиз.

Ғаиб чаманини хушлаб ўтдинг, тиконлар тилди кўксимни,
Изон захрини май қилдинг, бардошлар кетди депсиниб,
Маманиликнинг кўли бўлдинг, вафолар ўтди ўксиниб,
Ҳанигин кўп мақтаб ўтдинг, кўролмадинг мени ҳаргиз.

Ишқ умрининг кемасидир, унда ёлғиз ўтодурсан,
Юрагининг минг кесувчи Соғинчдан қон ютодурсан.
Умид, илнинг Паймонамини нўш этувчи юҳодурсан,
Ижудининг иймони узра асролмадинг мени ҳаргиз.

Сонга умримдан бож тўлаб, кўзларимдан ватан бердим,
Сон ҳам Худо бандасисан, даврон учун имкон бердим.
Ифоб тули сарғайса-да, рўйигдан дармон бердим,
Шарофатнинг бағри кенгдир, билдирмадинг уни ҳаргиз.

ЭСКИ ИИЛНИНГ ОХИРГИ КҲНИ

Бугун эски йилнинг охириги кўни,
Йилги йил базмага тайёргарлик чоқ.
Умидим соатда тулар илнинг,
Қадрдон деразада ёниқдир чироқ.

Беқасам тўнингиз елгага ташлаб,
Ёзасиз, чизасиз, узоқ ўйлайсиз.
Эҳтимол, йил бўйи дилнингиз ғашлаб,
Келган бир мактубга жавоб йўллайсиз.

Столнинг тортмаси қоғоз тагида,
Иширин расмимга боқасиз хомуш.

Уйлайсиз: «Наҳотки ул ташлаб кетди?
Наҳотки ул кунлар қайтарилмас туш?»

Мен эса, армон-да ўтган кунларни,
Эски йил ҳукмига топириб, жойлаб.
Сизнинг деразадан кутиб неларни,
Кетолмай турибман армонни шайлаб.

Ўртада тош қотган дераза ҳоким,
Уйлайман, ойнаси синиб кетади.
Бул маърур аёлни жазолар-да жим,
Ғам тўла юратин тилиб кетади.

Энди Сиз дераза ортига келиб,
Қор боستان йўлакка боқасиз мунгли.
Ғолиблик сезибми уйғоқ туйғуда,
Янги йил бағрига эқдим ўмидни!

...Бугун эски йилнинг охириги кунни.

УЙҚУСИЗ ТҮНДА

Уйқум билмам қайга кетди?
Сув ахтариб чўлга кетди.
Киприқларим соқчи қилиб,
Бунча узоқ йўлга кетди?

Билмам уйқум қайга кетди?
Паризод деб кўкка кетди?
Куйдирай деб ҳасратларим
Милтираган чўкка кетди.

Бу кеч уйқум қайга кетди?
Куйи тинмас найга кетди.
Миямга мих қоқиб фириб,
Оқиб кетар сойга кетди.

Чўл, кўк, сой шундан уйғоқ,
Менда эса қолди қийноқ.
Кўзларимни этиб муштоқ,
Уйқум бунча узоқ кетди?

Бунча узоқ йўлга кетди?

НАСИБАМ

Кўксим ёниб бормоқда, ёниб бормоқда вужуд,
Тун бағрида шам каби тоғлиб бормоқда вужуд.
Мен Шерият қасрининг тарқини кўзга сурдим,
Толем ёнмоқ экан, шеър деб ёнмоқда вужуд.

Насибамни Табиат мушкул отга боғлади,
Халқимни чайир кўл машкулотга боғлади.
Мен Ҳайрат қаршисида қолурман бесўз, бежон,
Чироқ ўчмас тунларим кашфиётга боғлади.

Юратимда қон қизир, қизиб борар ҳисларим,
Шеърларимда қон изи — сизиб борар ҳисларим.
Мен Тинчликни боламдай асрагайман аслида,
Қўлдаги ул чақиммас, кўриқчи шул кўзларим.

Шеър — аслида ниҳон кўҳна олам ишқининг,
Шеърлар асли маҳсул ташна олам ишқининг.
Мен Лайлидек тўлғониб сева олдим, севилдим,
Гуфрос ишқдан куйиб ҳам сўниб қолмай, ишқилиб.

Атлас йўлги Шерият саман соқи Фирқўда,
Ул Гиротнинг бўйнида рўмолим учар кўкдан.
Тонондан оққан қондан доғалар униб чиқди,
Ётолмайман манзилга — саманим йўлда кўлдани!

Насибамни табиат мушкулотга боғлади.

* * *

Унинг ёлғиз ўғли бор эди,
Уруш ситиб олди ўғлини.
Эл қатори нори бор эди,
Мотам тешиди она бағрини.

Эллик йилки, эртамин-кечми,
Умид билан боқди йўлга.
У борлиқдан, дунёдан кечди,
Ҳижрон тўри соғди изминга.

Қишда қордай совуқ унларни,
Келтирмади кўктам илқилик.

Езда соёбонсиз куллари,
Кузда яна ўсди нитиқлик.

Она қалби қонли мактубдир,
Ўқиб бўлмас—алангаси зўр.
Эдлик йилки, жони умидир,
Елғизини кўтиб яшар ул.

ҚУДАЛАРИМГА

Жон қудалар, не десангиз ўша бўлайин,
Топганимни жонларимга қўша берайин.
Муштоқ кутган маракангиз бошлаб берайин,
Ўтинаман, суяб ўтнинг бодаларимни.

Учар бўлса ўчоқдаги олов — мен ёнай,
Ҳатто эшикдаги итингиздан ўрғилай.
Ҳаммод бўлиб чор тарафдан елиб-югурай,
Ўтинаман, суяб ўтнинг бодаларимни.

Рўзгор деган мушкулотин ким билмас ахир,
Миннат билан берилган нон турушдир — тахир.
Сиз биласиз кўкармайди бахилнинг боғи,
Ўтинаман, суяб ўтнинг бодаларимни.

Сахийлардан бахил кўнроқ бу тор дунёда
Суяги йўқ ғийбатин кўп ғаддор дунёда.
Болам боши эгилмасин бозор дунёда,
Дўст бўлсангиз, суяб ўтнинг бодаларимни.

Айблари шу соддадирлар, пишмаган боши,
Дек бирор кун зориқмаган бор бўлган оши.
Навбат билан айланар-ку теримон тоши,
Қийнамангиз, суяги мўрт бодаларимни!

Жон қудалар, суяб ўтнинг бодаларимни.

ТАЛАБАМНИНГ ОНАСИГА

Мен Сенинг ҳақингга дуо қиламан,
Боласан қўлимга ишонган Аёл.
Сен ўтган йўлларин тавоф қиламан,
Келажак бағрига шошаётган Аёл.

Сен менга ишонган маъсум ниҳоннинг
Энг аввал «Ватан» деб чиққуси тили.
Она деб, кўёш деб билдирлаб минг бор,
Муқаддас номларни олгайдир билгиб.

Майли, меннинг номим унутиб қўйса,
Фақат унутмасин «Қуръон» сўзини.
Енимдан ҷангитиб чоққиллаб ўтсин,
Дек бошга тож қилсин Имон сўзини.

Шунда сен тиловат ониди бир бор,
Қамтарин касбимга дуо қилсанг бас.
Болагнни асрасин «Ишқ» деган тумор,
Ватан-да уйқашдир она деган сас.

...Мен болагн ҳаққига дуо қиламан.

* * *

Ночира уруш йиғитларни қийратди-ку, ютди-ку,
Не бир гўлдай келинчақлар «вой тўрам» деб, ўтди-ку.
Нур, йўқ, 60 миллион эмас, кўлдир, кўлдир шахидлар
Уруш сўзи қайга етса, қайгу ўлим етди-ку!

Жон қон йиғлаб ўтди она юрагига нур тушмай,
Етим қотган гўдақлар-чи кўнғиллари тўлғишмай.
Амон ота ҳидига зор ота бўлса-да ўзлари,
Ота сўзин айтолмаслар дил-диллари увишмай.

Гўдаклар кулга айландилар шўм урушнинг дастидан,
Мармарларга ўйилди ном тирикларнинг устидан.
Ҳе йиғитдан бири қайтди, баъзан учов қайтмади,
Мотамсиро бўлди юртлар айриликнинг дастидан.

Вайрон бўлса бўлди, лекин кул бўлмади бул Ватан,
 Қочоққа, мунофиққа эл бўлмади бул Ватан.
 Виждонидан ўзга не бор кўрбон бериб барчасин
 Босқинчино номард босар йул бўлмади бул Ватан!
 ...Олиб кетди нокас уруш йилларининг сарасин,
 Неча гўзал орзуларим туғилмаган боласин.

* * *

Бўй қизларга қилиб таассуф,
 Тул япроғин узад қизча:
 — севди, севмайди.
 Ҳаёт тўла қизиқ тасодиф.
 Чор атрофни илғамай кўзи,
 машғулоти фақат ўша тул:
 севди, севмайди.

Узилган япроқ-ла оқди кўлмаклар,
 куз кўнди сершовқин боғнинг кўйинига.
 Анҳор ёқасида бир суғув турар,
 Кўзларин тикканча сув ўйинига
 ўзун ҳаёлларда бир сўроқ ҳоким:
 — Келади, келмайди.
 Ул беғам даврлар ёдланар гоҳи:
 — севди, севмайди.

* * *

Яхшиям, тун бор экан,
 Мента сирларининг айтмоқлик учун.
 Яхшиям кун бор экан,
 Кўнгли кирларини отмоқлик учун.
 Яхшиям тул бор экан,
 Лола хунларини ювмоқлик учун.
 Яхшиям дил бор экан,
 Кимлигининг беркитмоқ учун.

ХОКСОРЛИК

*Қумишбиди эмас, Тупроқбиди ёзди.
 Қумишбиди мағлубидан*

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?
 Саҳрода саробдай тўзиган кумман.
 Ҳарифдан енгилган озорли унман,
 Алам мени кунда ўлдирад.

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?
 Эрки йўқ охудай занжирибанд кумман.
 Бошида эри бор, лек бағри тулман,
 Ҳижрон мени кунда ўлдирад.

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?
 Тиллоранг туйғуни асраган кимман.
 Дардин айтолмаган беимкон гунгман,
 Алам мени кунда ўлдирад.

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?
 Мен Сиздай Тупроқда етилган Тулман.
 Сизга синулган руҳлардай хурман,
 Сиздан қолган алам ўлдирад.

...Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен гўрман.

АКАМГА

Ҳаёт мени қаттиқ синади,
 Қутилмаган ҳижронни йўллаб.
 Ўкинч манглайимни «сизлади»,
 Довдир-довдир юраман сўйлаб.

Тушларимга кирар бостириб,
 Тупроқ минган ёлғиз чавандоз.
 Чақиранман уни бослиқиб,
 Қиё боқмас, бермайди овоз.

Отларига дон-дун кўяман
 Тулпори ҳам ўзидай мағрур.
 Дон-дунимга бир бор боқмайин
 Ўтиб кетар қанотли дуддул.

Елкам узра ёзқ сочиларим,
Иўлим тўсар панжара бўлиб.
Суяман соч занжирига,
Утолмайман минг зори бўлиб.

Кетиб борар чавандоз боқмай,
Этарига мингазмас мен.
Кетиб борар, билмайман, қайта,
Соғинчимнинг олис ёлқини...

* * *

Айро тушдим жон деб, жондин,
Ер дебман-а орсиз танин.
Бахт кўшкидин Ором тонди,
Тириклитим гумон энди.

Оҳларимдан тутун ўрлар,
Мен ўлдим-у Ағёр ўлмар.
Бул ҳолатим билмас кўнлар,
Тириклитим гумон энди.

Не ҳам кўрдим бу дунёдин?
Чиқмади бош хавф—Елғондин.
Эгилди қад ёв—Армондин.
Тириклитим гумон энди.

Чиқиб кеттум қир-далага,
Юзим туттум шаболага.
Дуч келмасдан боз бағота,
Эссиз, даврим, кетдим энди.

Тупроқ аро тинчим топиб,
Момоларим руҳин ўлиб,
Ўлган танда жон тирилди,
Илнж дилга дармон энди.

УЛ ЯҚИН, МЕН — ИРОҒИНГ

Мен дунёга келтирдим, эганг бутун ўзагидир,
Муҳтон ачитган жойининг озорлари кўзагидир.
Не қилай, бул жонимни эрта айладим қурбон,
Менга не раво кўрсанг, қайттай ўғил-қизагидир.

Пиллар шамоли қадим буқолмади, сир эмас,
Талпинганим хур-ғилмон ва ёки хорик эмас.
Мен танитган дунё ҳам, кўзим ёқар энё ҳам,
Болам, Сени ишонган номин ҳамда тўзадир.

Сешит-ча мен ғанимман, дўст эрур ёринг мутлақ,
Учинг айтган ҳар сўзн Сента Оллоҳдайин ҳақ.
Сут берган нари бўлиб, бери бўлди хуриликонт,
Худо ҳам мендай ёлғиз, леккин ҳокимдир барҳақ.

Не бўлса ҳам болажон, бўл уйимнинг чироғи,
Инесофин берсин Оллоҳ сен сўйган хурлиқонинг.
Одамийлик дарсини беролмаган онаси
Шу сабаб ушбу тоғда ул яқин, мен — ироғинг.

Мен дунёга келтирдим, бутун эганг ўзагидир.

* * *

Атласе кинган қизлар кўза
кўринар гўзал,
Гўё атласе яхши куйдай
эъозда азал.
Атласе кинган қиздай сўлим
кириб келди куз,
Ҳар инансени ялғосидин
қамшилади кўз.
Оқ дуррасини бошта солинб
қизлар ҳашарда,
Атласе ранг куз ҳормани, ден,
бергандек дилда,
Эвгиларга кун-тун демай
экилган армон.
Мана кузда бўй чўзмоқда,
бўлиб зўр хирмон.

«Бул хона»	31
Муруват	31
Ором йўқ	31
Исён	32
Куз вальси	33
«Дарёни кўзлаб...»	34
Фидойилик	34
Кийноқларда жоним менинг	35
Ўкинч	35
Турналар	36
Сиз менинг бахтисиз	37
Тушқунлик	37
«Кўнглимга ой ботди...»	38
«Мен...»	38
Бардош қўшиғи	38
«Мен Сиздан...»	39
Кўшиғим	40
Чорлов	40
Камбар момонга	41
«Ҳидлари кетди...»	41
Вандангдирман	42
Бу дунё не ўзи	43
Муғли болага	44
Дарёга кел	44
Кимга осон	45
«Сен менга...»	46
Рашик	47
«Яна бир кун...»	47
Мара эрта	48
Никоҳ узуги	48
Армонли	49
Мен тирик нисонман	49
Эй, дўст	50
Эски йилнинг охириг кунин	51
Ўйкусиз туйда	51
Насибам	52
«Унинг ёлғиз...»	53
Кудаларимга	53
Талабамнинг онасига	54
«Номара уруш...»	55
«Бўй қизларга...»	55
«Яхшим, тун...»	56
Хоксорлик	56
Акамга	57
«Айро тушдим...»	57
Ул яқин, мен йирогини	58
«Атлас...»	59
«Чангдан кўш...»	59
	60

Адибий-бадиий нашр

Шарофат Ботирова

ЮРАКДАГИ КҮЗ

Шерафат

Муҳаррир Э. Муҳаммад
Муҳаррир Ю. Каримов
Расм муҳаррири Ю. Табасалова
Техн. муҳаррир У. Қам
Муҳаррир Мухоммад Абдул

Босмаконтра берилган, 22.10.98. Босилган руҳсат этилиги
Ҳажми 64×109,1/16 юзори босма, Шарофат Ботирова 3.36. Нашр
таъбири 2.84. Ҳажми 3000 нуска. Буюртма 151. Шартонома 83—98.
Бухоро шартнома асосида.


«Бухоро» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусовда да-
ҳаси, Муҳоммад кўчаси, 1-уй.



Шарофат Ботирова — шоира ва моҳир таржумон, Виктор Гюго, Жак Превер шеърларини фаранс тилидан ўзбекчата таржима қилган, "Олтинанг уфқ", "Бедорлик" шеърини тўнламалари ва талабалар учун ўқув қўлланмалари муаллифи.

А. Қолпиров номли Жамшах Давлат педагогика институтининг доценти бўлиб ишламоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси.



YUZUMCHI